



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ХУДУДИЙ МАРКАЗИ

4.3
МОДУЛ

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТАНЛОВ ЎҚУВ МОДУЛИ



ТОШКЕНТ-2018

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ**

ТАНЛОВ ЎҚУВ МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Малака йўналиши:

Тингловчилар контингенти:

тасвирий санъат ва чизмачилик

**умумий ўрта таълим
мактабларнинг тасвирий санъат ва
чизмачилик ўқитувчилари**

Тошкент -2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил _____даги _____-сонли буйруғи билан тасдиқланган тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш тоифа йўналиши ўқув режаси ва дастури асосида тайёрланди.

- Тузувчилар:** К.Н.Мирахмедов - Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Амалий фанлар ва мактабдан ташқари таълим методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси
Л.Э.Юнусов - Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Амалий фанлар ва мактабдан ташқари таълим методикаси” кафедраси мудири.в.б.
- Такризчи:** Х.Х.Муратов - Низомий номидаги ТДПУ “Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси ўқитувчиси

Ўқув-услубий мажмуа А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти илмий кенгашининг 2018 йил _____даги _____-сонли баённомаси билан маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

Мундарижа

I. Ишчи дастур	5
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	11
III. Назарий ва амалий машғулоти материаллари	15
IV. Кейслар банки.....	41
V. Мустақил таълим мавзулари.....	49
VI. Глоссарий.....	51
VII. Адабиётлар рўйхати	58

The title is framed by two large, dark blue, stylized brackets. The left bracket is on the left side, and the right bracket is on the right side, both pointing towards the center where the title is located.

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

2017-2021- йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси - Президентининг “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш таълим тизими олдида турган долзарб масала сифатида белгилаб ўтилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарорида белгиланган вазифалар замонавий талаблар асосида тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг жорий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, турли танлов мавзуларини тақдим этиш орқали уларнинг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни тақозо этади.

“Танлов ўқув” модулнинг ишчи ўқув дастури умумий ўрта таълим мактаб тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчилари малакасини ошириш курсининг ўқув дастури асосида тузилган бўлиб, у тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиларига замонавий таълим технологиялари ва методларнинг мазмун ва моҳиятини очиб беради.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади:

Чизмачиликда техник расм чизиш методикаси, портрет турларидан автопортрет чизиш ва уни қаламда туслаш, эвристик ўқитиш технологияси, тасвирий санъатда сюжетли композиция ишлаш компетенцияларини ривожлантириш.

Модулнинг вазифалари:

Ўқувчиларни техник расм чизиш, автопортрет чизиш ва уни қаламда туслаш, эвристик ўқитиш технологияси, тасвирий санъатда сюжетли композиция ишлашга ўргатиш ишларини тўғри ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- техник расм чизиш методикасини, портрет турларидан автопортрет чизиш ва уни қаламда туслаш, эвристик ўқитиш технологияси ва тасвирий санъатда сюжетли композиция ишлашни **билиши**;

- техник расм чизиш методикаси ва эвристик ўқитиш технологиясини билиш, портрет турларидан автопортрет чизиш ва уни қаламда туслаш, тасвирий санъатда сюжетли композиция ишлаш **қўникмаларига эга бўлиши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Танлов ўқув модули назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. **Назарий машғулотларда** - техник расм чизиш методикаси ва эвристик ўқитиш технологияси мазмунига оид маълумотлар берилади.

Амалий машғулотларда - портрет турларидан автопортрет чизиш ва уни қаламда туслаш, тасвирий санъатда сюжетли композиция ишлаш вазифалари амалга оширилади.

Машғулотларда техник воситалардан, блиц-сўровлар, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларида, презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан фойдаланиш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим-тарбия технологиялари ва жаҳон тажрибаси”, “Тасвирий санъат ва чизмачилик фанини ўқитиш методикаси” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда ўқитувчиларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Асосий қисмда модулнинг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилади. Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим, қўникма ва малакалар назарда тутилади.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Тингловчиларни тасвирий санъат ва чизмачилик фанини ўқитишнинг замонавий технология ва методлари билан таништириш ҳамда амалда қўллаш қўникмаларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат

I.Техник расм чизиш методикаси ва портрет турларидан автопортрет чизиш ва уни қаламда туслаш модули бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Жами ўқув юкламаси	Жумладан			Мустақил таълим
				назарий	амалий	қўчма машғулоти	
1.	Техник расм чизиш методикаси.	2	2	2			
2.	Портрет турларидан автопортрет чизиш ва уни қаламда туслаш	2	2		2		
	Жами	4	4	2	2		

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Техник расм чизиш методикаси (2 соат назарий).

Чизмачиликда техник расм чизиш ҳақида. Техник расмни аксонометрияда бажариш. Техник расм чизиш қоидалари. Техник расм чизиш олдида машқлар бажариш. Геометрик жисмлар техник расмини чизиш машқлари. Рассомчилик ҳақида маълумот.

Тасвирий санъат ўқитувчиларининг техник расмни белгиланган қоидалар асосида чизиш, расмни аксонометрияда бажариш, геометрик жисмлар техник расми машқларини бажариш, рассомчилик ҳақидаги маълумотларни билиш компетентлигини аниқлаш.

2-Мавзу: Портрет турларидан автопортрет чизиш ва уни қаламда туслаш (2 соат амалий).

Тасвирий санъат фанидаги жанрлардан бири автопортрет чизиш анжомларини кўзгу, қоғоз, қалам, ўчирғич, қалам чиқаргич...тайёрлаш. А 3 қоғозига автопортрет компоновкасини жойлаштириш. Компоновка ичига одам бош шаклини жойлаштириш. Портрет чизишда қўлланиладиган умумий қоидалардан бош шаклини 3 қисмга бўлиш. Кейинги босқич 6 қисмга бўлиш. Кейинги босқичда қош, бурун, кулоқ аъзоларни ҳомаки белгилаш. Юз қурилишини сўнгги қисми кўз, лабни ўрнатилган қоидадан фойдаланиб жойлаштириб олиш. Бошнинг юқори қисмини белгилаш. Кўзгуга қараб ўз қиёфасини аниқлаштириб чизиб чиқиш. Автопортретни ёруғ-соя қоидалари асосида туслаш.

II.Эвристик ўқитиш технологияси ва сюжетли композиция ишлаш модули бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Жами ўқув юкламаси	Жумладан			Мустақил таълим
				назарий	амалий	қўчма машғулот	
1.	Эвристик ўқитиш технологияси	2	2	2			
2.	Тасвирий санъатда сюжетли композиция ишлаш	2	2		2		
	Жами	4	4	2	2		

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Эвристик ўқитиш технологияси (2 соат назарий).

Эвристик ўқитишнинг моҳияти, эвристик ўқитишдаги вазият, эвристик дидактика, эвристик ўқитишнинг йўналишлари. Эвристик ўқитишнинг принциплари, эвристик дидактика, эвристик технология дарсини ташкил қилиш.

Лойиҳалашга доир дарсларни ташкил қилиш, деталнинг шаклини ўзгартириш, қайта лойиҳалаш, дизайн асосида берилган буюмни ўзига жалб қила оладиган ҳолда унинг кўриниши гўзал ва чиройли ҳамда бежирим шаклда ўзгартириш, янги конструктив элемент киритиш, янги фойдали сифатлар бериш, буюмнинг оғирлигини камайтириш, пишиқлигини ошириш, ишлов беришни соддалаштириш.

2-Мавзу: Тасвирий санъатда сюжетли композиция ишлаш (2 соат амалий)

Тасвирий санъат дарсларида сюжетли композиция ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, булардан биринчиси композиция учун мавзу танлаш, мавзудан ўрин оладиган образ ва деталларни аниқлаб олиш, кейинги босқичларда эскиз вариантларининг компоновкасини тайёрлаш, ҳомаки конструкциясини белгилаш ва аниқ қилиб чизиб олишдан иборат. Якуний босқич чизилган композицияга ранг танлаб бўяб тугаллаш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ


Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, тасвирий санъат ва чизмачиликка қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган топшириқлар ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (топшириқлар ечими бўйича далиллар ва асосли маълумотларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).


МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Рангтасвир фани юзасидан график органиайзерлар тўплами.


1-топширик. Тасвирий санъат турларини аниқланг




2-топширик. Рангтасвир турларини аниқланг




3-топшириқ. Рангтасвир турларини аниқланг



4-топшириқ. Тасвирий санъат асбобларини қуйидаги график тизим асосида ёзинг



5-топшириқ. Ўзбек рангтасвир санъатининг ривожланиш босқичларини қуйидаги график тизим асосида келтиринг.



НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1- вариант

1-мавзу: Техник расм чизиш методикаси (2 соат назарий).

Режа:

1. Тасвирий санъат ва чизмачиликда техник расм чизиш.
2. Техник расмни аксонометрияда бажариш.
3. Техник расм чизиш қоидалари.
4. Техник расм чизиш олдидан бажариладиган машқлар.
5. Геометрик жисмлар техник расмини чизиш машқлари.
6. Рассомчилик ҳақида маълумот.

1. Тасвирий санъат ва чизмачиликда техник расм чизиш.

Расм чизиш ҳар бир мутахассис учун энг зарур билимлардан ҳисобланади. Расм чизишни ўрганишда ҳар бир киши ўзининг дунёқараши, фазовий тасавурина, ижодий фаолиятини ривожлантиради, яратилажак бино ва иншоотларнинг конструктив ва меъморий ечимларини аниқ ва тўғри бажара билади. Қурилиш элементларига нафақат назарий, амалий ёндаша олади. Шунинг учун яхши мутахассис бўламан деган ҳар бир тингловчи бошқа асосий фанлар қатори расм чизишни ҳам яхши билса фойдадан холи бўлмайди.

Машҳур авиаконструктор А.С.Яковлев ўзининг бир китобида шундай деб ёзган эди: “Расм чизиш менинг келажагим учун жуда катта фойда берди. Ҳақиқатдан ҳам конструктор бирон бир машина яратиш ҳақида ўйласа, унинг ҳар бир деталигача ҳаёлида кўз олдига келтириш ва уни қалам билан қоғозга тасвирлаши лозим. Бунинг учун у расм чизишни билиши керак”.

2.Техник расмни аксонометрияда бажариш.


Техник расм чизмачилик курсидаги аксонометрик кўринишга айнан ўхшаш бажарилиб ёруғ-соя қисми штрихлар ёрдамида ажратилади. Аксонометрияда аниқ қияликдаги (димитрия, изометрия ва бошқалар) ўқлар асосида чизма бажарилса, техник расмда бу ўқларга қўшимча хоҳлаган қияликдаги ўқлар асосига ҳам қуриш мумкин бўлади.

Техник расм ҳаётдагидек перспектив қисқаришлар билан чизилмасада чизилиши керак бўлган жисмлар, конструктив тугунларни меъморий ечимларни берилган икки кўринишда фойдаланиб тасвирлашда қўл келади.

3. Техник расм чизиш қоидалари.

Расм чизишда асосан юмшоқ (М, 2М) қаламлар ва юмшоқ ўчирғич ишлатилади, чизма қоғози тахтага кнопка билан маҳкамланади, ёруғлик чап томондан тушиб туриши керак. Расм чизишда чизма асбоблари ишлатилмайди. Расм чизишда эркин ўтириб чизма тахтаси олдида танани тўғри тутиш, каллани озгина эгиб қўлни қоғоз устида енгил ҳаракатлантириш, штрихлаш ёки айрим эгри чизикларни чизиш учун қаламни худди хат ёзишда ушлагандек ушлаш керак (1-расм).

Бирор жисмнинг техник расмини чизишдан олдин ясси формаларни чизиб кўп шуғулланишга тўғри келади, шундагина бажарадиган техник расм кўнгилдагидек чиқиши мумкин.



1-расм.

4. Техник расм чизиш олдидан бажариладиган машқлар.


1-машқ. Ясси формаларнинг расмини чизиш учун олдин маълум ораликда параллель чизиклар чизиш ва шу билан қўлни ўргатиб бориш керак. Масалан, АВ тўғри чизикқа параллел чизиклар чизиш керак бўлсин (134-расм).

2-машқ. Берилган R радиус бўйича айлана чизиш учун.


а) ўзаро тўғри бурчакли горизантал ва вертикал чизиклар кесиши натижасида айлана маркази ҳосил қилинади.

б) шу марказдан чапга, ўнга, юқорига ва пастга чизиш керак бўлган айлана радиуслари ўлчаб қўйилади ва квадрат чизилади.

в) квадрат диагоналллари ўтказиб, бу диагоналларга ҳам радиус ўлчаб қўйилади ва қўлда эгри чизик қилиб қўйилган нукталарни туташтириб чиқилади (135-расм).




2-расм.




3-расм.

3-машқ. Тенг томонли учбурчакнинг фронтал (изометрик) проекциясини бажаришда ўқ чизиқлар чизиб олинади ва учбурчакнинг АС томони изометрик проекциядаги Х ўқига параллел чизилади. В нукта эса З ўқга параллель бўлган учбурчак баландлигига ўлчаб қўйилади. Қолган проекция текисликларида ҳам ишлар такрорланади (136-расм).

4-машқ. Томонлари А масофага тенг бўлган АВСД квадратнинг изометрик проекцияларни яшаш керак бўлсин. Бунинг учун квадрат томонларини изометрик ўқларга параллель қилиб чизиш ва а ўлчамини қўйиш кифоя (137-расм).




4-расм.



5-расм.


5-машқ. R радиусли айлананинг изометрик проекциясини бажариш учун айланага ташқи ва ички квадрат чизиб олинади. Шу квадратларнинг изометрик проекцияларини ясаб, унинг диагоналлари ўтказилади. Ички ва ташқи квадратларни чизиш натижасида ҳосил бўлган 8 та нуқтани қўлда эгри чизик қилиб туташтириб чиқилса, айлананинг изометрик проекциялари, яъни эллипслар ҳосил бўлади (138-расм).



6-расм.

5. Геометрик жисмлар техник расмини чизиш машқлари.

Геометрик жисмларнинг техник расмини чизиш учун аввалом бор уни кўздан кечириб, қоғозга тўғри жойлаштириш (компоновка) ни мўлжаллаш керак. Бунинг учун қоғознинг диагоналлари ўтказиб, қоғоз маркази топилади ва детал расми қоғознинг ўртасига жойлаштирилади. Детал расми жуда катта ёки кичик ҳам бўлмаслиги лозим. Чизиш учун қўйилган детал ёки жисмлар мажмуаси (натура) умумий баландлиги ва бўйи ўлчамларига қараб қоғоз бўйига ёки энига қилиб чизилади (139- расм).




7-расм.

6. Рассомчилик ҳақида маълумот.


Геометрик жисмларнинг техник расмини чизиш учун қуйидаги машқлар бажарилади.

1-машқ. Кесик пирамиданинг расмини чизиш керак бўлса, бунинг учун пирамида катта асосини горизонтал текисликка параллель деб ҳисоблаб, асосини изометрик проекцияда чизиб оламиз ва унинг асос марказини топиб, баландлик чизиғи чиқарилади, пирамида баландлиги (X) ўлчаб қўйилади. Пирамида умумий баландлиги (X) дан кесилган пирамида баландлиги ни айириб ташлаб, пирамида катта асосига параллел чизиклар ўтказиб кичик асос ясалади. Бурчаклар туташтирилса, пирамида ён қирралари ҳосил бўлади (140-расм).



8-расм.

2-машқ. Маълум ўлчамдаги кесик конуснинг техник расмини чизиш талаб қилинса, аввал унинг асосини изометрик проекция текисликларида бажариб олиш керак, бу олдинги машқлардан бизга маълум. Айлана, яъни конус асосининг изометрик проекциялари ясалгандан кейин марказдан (X) баландлик чиқарилади ва кесик конус баландлиги (x) ўлчаб қўйилади. Шу марказ бўйича кесик конуснинг кичкина асоси ҳам чизилади. Катта асос билан кичик асосга уринма чизиклар ўтказилса, кесик конуснинг тугалланмаган техник расми изометрик проекцияси ҳосил бўлади (141-расм).




9-расм.

Геометрик жисмларнинг техник расмини бажаришда уларнинг янада яққолроқ, яъни ҳақиқий жисмга ўхшашлиги учун фақат контур чизик конструктив ечим камлик қилади, бунинг учун ёруғ-соя томонлари ишланиши керак. Жисмга бир тамондан ёруғлик берилганда унда ёруғ ва соя томонлари ажралади, шунинг ҳисобига жисм ҳажмга (формага) эга эканлиги кўринади. Жисмларнинг ёруғ соясини ажратишда турли усуллар ишлатилади, жумладан:

а) нуқталар билан ёруғ сояни ажратиш: нуқталар қанча қалин бўлса, соя қуюқлиги, кам бўлса, ёруғроқ кўринади. Кўпинча метал жисмларнинг соялари нуқталар билан бажарилади (142-а,расм);


б) тўр штрих-шрафировка билан жисмнинг ёруғ-соясини бажариш: бунда штрих турларнинг сийрак, қуюқлиги билан ёруғ ёки соя кучлилиги кўрсатилади (142-б,расм);

в) параллел чизиклар билан ҳам штрихлаб жисмларда ёруғ-сояни кўрсатиш мумкин. Бунда штрихлаш жисмнинг тузилишига қараб бажарилади (142-в,расм);



10-расм.

Жисмларга ёруғлик тушганда ярмидан кўпроғи ёруғ, камроғи эса соя бўлади. Бу соя ўз сояси деб аталади. Ёритилган жойидаги энг ёруғ жой блик (ялтироқ шуъла), ўз сояси қисмидаги ёруғроқ бўлиб турган жой рефлекс (ёнидаги жисмлардан қайтиб тушаётган акс ёруғ) дейилади (143-расм).




11-расм.

Ҳар қандай жисмнинг техник расмини бажаришда уларнинг қирраларини ёки чегара қисмларини асосий қалин чизиклар билан эмас, фақат ёруғ-сояни штрихлаш усули билан кўрсатиш керак (145-расм).


Рассомчилик ҳақида қисқача маълумот. Техникавий рассомчилик аксонометрия назариясига асосланган бўлса, рассомчилик эса перспектива қоидаларига, яъни кузатувчига натура қандай кўринган бўлса, шундайлигича

тасвирлашга асосланган. Рассомчиликни ўрганиш учун демак, перспектив қисқаришни ҳам билиш керак экан. Параллел чизиқларнинг учрашмаслиги бизга яхши маълум, лекин улар ҳаётда кузатилганда албатта уфқ (х) чизиғидаги бир нуқтага (Ф) интилади. Уфқ чизиғи бизнинг кўзларимиз турган баландликдан ўтувчи, ер сатҳига параллел бўлган уфқ текислигида ётган чизиқдир. Биз ҳаракатда бўлганимиз учун уфқ чизиғимиз ҳам ўзгариб туради. Шунинг учун туриб қараганимизда стол, стулларнинг устки қисмини кўпроқ кўрамыз. Демак ҳар бир кузатувчининг ўз уфқ текислиги ва ўз уфқ чизиғи мавжуд экан. Қуйидаги расмда турли баландлик (H_1, H_2, H_3, H_4, H_5) да турган китобнинг перспектив қисқариши перспектива қоидалари асосида чизилган. Бу ерда H_3 баландлик бизнинг уфқ текислигимиз (кўз) баландлигига тенг (144-расм).




12-расм.

Перспектива кўришни яхши ўрганиб олиб (қўлланмадаги материаллар камлик қилса, махсус адабиётлардан фойдаланиб), техникавий рассомчиликда қилинган ишлар: компоновка, пропорция (нисбатлаш), перспектива қоидалари асосидаги конструктив қурилиш ва ниҳоят ёруғ сояларни штрихлаб, жисмларга шакл бериш тўғри бажарилса, бевосита натураларга қараб ҳам расм чизавериш мумкин. Бу қоидалар рассомчиликнинг асосини ташкил қилади. Ана шу қоидаларни билгач, нафақат бир нечта жисмлардан иборат натюрморт (иловадаги расмлар)ни, ҳатто конструктив тугунлар (иловадаги расмлар), интерьер (бино ва иншоатларнинг ички кўриниши, 13,а-расм), экстерьер (бино ва иншоатларнинг ташқи кўриниши, (13 б-расм) ни ҳам осонгина чизиш мумкин бўлади.



13-(a) rasm.



a



13-(б) rasm.

Нисбатан қийин натураларни чизишда катта предметлар: бино ва бино элементлари, конструкциялари; жиҳозлар геометрик жисмлар (куб, пирамида,

призма, цилиндр, конус ва ҳ. к) ва уларнинг кесилган қисми деб қаралса чизиш осон кечади. Яхшилаб кузатилса, ҳақиқатдан ҳам атрофимиздаги нарсалар ана шу геометрик жисмлар йиғиндисидан иборатдир (14-расм).



14-rasm.

Назорат саволлари:


1. Техник расм нима?
2. Техник расм аксонометрияда қандай бажарилади?
3. Техник расм чизишни қандай қоидалари мавжуд?
4. Техник расм чизиш олдидан қандай машқлар бажарилади?
5. Геометрик жисмлар техник расми қандай чизилади?
6. Рассомчилик нима?

Фойдаланган адабиётлар


1. Аширбоев А.О. “Чизмачилик”. –Тошкент., „Янги нашр“ нашриёти, 2010
2. Раҳмонов И., Қирғизбоева Н., Аширбоев А., Валиев А.Н, Ниғмонов Б. Чизмачилик –Т “Ворис-нашриёт”, 2016 й.
- 3.Раҳмонов И., Валиева Б.Н. Мухандислик графикаси фанини ўқитишнинг замонавий технологиялари -Т.: «НАВРЎЗ» нашриёти, 2015 й. 10 б.т.
4. Қ.Мираҳмедов. 6-синф тасвирий санъат дарслиги. Ғ.Ғулом-2017 йил

2-Мавзу: Портрет турларидан автопортрет чизиш ва уни қаламда туслаш (2 соат амалий).


Автопортрет чизиш анжомларини кўзгу, қоғоз, қалам, ўчирғич, қалам чиқаргич ва бошқаларни тайёрлаш. А3 қоғозига автопортрет компоновкасини энгил чизиқлар билан жойлаштириш. Компоновка ичига одам бош шаклини (тухумсимон) чизиш. Портрет чизишда қўлланиладиган умумий қоидалардан бош шаклини 3 қисмга бўлиш. Кейинги босқичда 6 қисмга бўлиниб кейин қош, бурун, кулоқ аъзоларни ҳомаки белгиланади. Юз қурилишини чизишнинг сўнгги босқичи кўз, лабни ўрнатилган қоидадан фойдаланиб чизиб жойлаштириб чиқилади ва бошнинг юқори қисмини чизиб белгилаб қўйилади. Кўзгуга қараб ўз киёфасини аниқлаштириб чизиб чиқиш. Автопортретни ёруғ-соя қоидалари асосида туслаш.




Симметрия чизигини оч тусда чизинг, чизик юқорисига катта ва пастки қисмига кичик ёй чизинг. Катта ёйдан кичик ёйгача бўлган масофани тенг уч бўлакка бўлиб нукта белгиланг.



Биринчи чизикда қош ва қулоқни юқори қисми, иккинчи чизикда, бурун ва қулоқнинг пастки қисми чизилади. Қош билан бурунгача ва бурундан даҳангача бўлган ораликни тенг иккига бўлиб ёрдамчи чизик чизинг.



Бошнинг юқори чегара чизигини қош билан бурун оралиғини ярим ўлчамида белгилаб нукта қўйинг. Қош билан бурун оралиғи ўлчамини тенг ярмини яна тенг иккига бўлиб кўзни чизиш учун ёрдамчи чизик чизинг ва кўз тасвири учун нукта белгиланг. Худди шундай бурун билан даҳан оралиғи ўлчами тенг ярмини яна тенг иккига бўлиб лаб учун ёрдамчи чизикча чизинг.



**Белгиланган нуқталарга кўзни ва
лабни чизиб жойлаштиринг.
Бошни юқори қисми чегара чизигини
бирлаштириб қўйинг.**

Амалий машғулот топшириқлари

1. Автопортрет чизиш анжомларини тайёрланг.
2. А 3 қоғозига автопортрет компоновкасини жойлаштиринг.
3. Компонировка ичига бош шаклини жойлаштиринг.
4. Бош шаклини 3 ва 6 қисмга бўлинг.
5. Қош, бурун, қулоқ аъзоларни ҳомаки белгиланг.
6. Кўз, лабни ўрнатилган қоидадан фойдаланиб жойлаштиринг.
7. Бошнинг юқори қисмини белгилаб, кўзгуга қараб ўз қиёфангизни аниқлаштириб (қош,кўз,бурун...) чизиб чиқинг.
8. Автопортретни ёруғ-соя қоидалари асосида тусланг.

Назорат саволлари:

1. Автопортрет чизиш анжомларини нима?
2. А 3 қоғозига автопортрет компоновкасини қандай жойлаштирилади?
3. Компонировка ичига бош шаклини жойлаштиришни гапириб беринг?
4. Бош шаклини 3 ва 6 қисмга қандай бўлинади?
5. Қош, бурун, қулоқ аъзолари қандай белгиланади?
6. Кўз, лабни жойлаштириш ўрнатилган қоидасини биласизми?

7. Бошнинг юқори қисми қандай белгиланади? Ўз қиёфангизни аниқлаштириб чизишни биласизми?
8. Автопортретни ёруғ-соя қодалари асосида туслаш деганда нимани тушунасиз?

2- вариант

Эвристик ўқитиш технологияси ва сюжетли композиция ишлаш модули **1-мавзу: Эвристик ўқитиш технологияси (2 соат назарий)**

Режа:

1. Эвристик ўқитиш технологияси.
2. Эвристик ўқитишнинг йўналишлари.
3. Эвристик ўқитишнинг принциплари.
4. Эвристик дидактика.
5. Эвристик ўқитиш технологияси асосида дарс ташкил қилиш.

1.1 Эвристик ўқитиш технологияси.

Эвристик ўқитишнинг асосий моҳияти янгиликни доимо очишга ҳаракат қилиш демакдир. Эвристик юнонча – қидираман, топаман, очаман деган маъноларни англатади.

Эвристика ўқитишнинг:

1. *Ўқитиш шакли – эвристик суҳбат.* Бунда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида масала моҳиятини тушуниш ва бир фикрга келиш мақсадида савол ва жавоблар уюштирилади.

2. *Ўқитиш методи.* Ижодий ишлаш жараёнида ўқитувчи ўқувчига иш юзасидан мақсадли ғоялар, фикр чалғиганда тўғри йўл кўрсатиб, вақти-вақти билан ақлий ҳужум уюштириб туради. Масалага ойдинлик киритиш йўлида эвристик вазият яратиб беради.

3. *Берилган масаланинг технологик жараёни.* Уни ўқувчининг ўзи белгилайди. Ижодий маҳсулотни рўёбга чиқаришдаги якуний натижаси ўқувчининг танлаган технологиясига боғлиқ бўлади. Танланган йўли самара бермаса, ўқитувчи ўз вақтида ўқувчига ёрдам кўрсатади.

Ўқувчининг ўзини-ўзи ижодий томондан рўёбга чиқариши эвристик ўқитишнинг энг юқори масаласи ҳисобланади.

Инновацион технологиялар орасидаги эвристик ўқитиш технологик шакли деярли Сукротнинг савол ва фикр юритиш методига суянган.

Маълумки, Сукрот ўзининг шогирдларига аввал, умумий йўналтирувчи савол берган ва жавобини олгач, аниқлаштирувчи савол берган ва ҳақиқатни аниқламагунча, унга жуда яқин савол бераверган.

Эвристик ўқитишдаги *вазият* ўқитишнинг калит элементи ҳисобланади. Бундай вазият ўқувчининг билмаслигидан уни фаоллаштиради, унинг мақсади ўқувчи томонидан шахсий ғоянинг туғилишини, гипотезалар, схемалар тузишга йўллайди. Эвристик ўқитишда таълим натижасини айтиб бўлмайди. Ҳар бир ўқувчидан турли жавобларни олиш мумкин.

Эвристик ўқитишда ўқувчи олдинги олган билимини ўзлаштиради, кейин уни ижодий ўзлаштириш орқали ўзининг лойиҳасида қўллайди. Бу ерда олдинги билимларни ўрганиш орқали келажакка интилиш шиори амал қилади.

Эвристик ўқитиш эркин ривожланиш мактабига асосланган бўлиб, унинг назарияси *эвристик дидактика* ҳисобланади.


Эвристик ўқитишнинг мазмуни ва мақсади ўқувчилар томонидан ўзининг мустақил фикрини лойиҳалаш (конструкциялаш) мақсад қилиб олинадиган, таълимнинг мақсади ва мазмуни ҳамда уни ташкил қилиш жараёни, ташҳис қўйиш ва тушуниб етиш эвристик таълим ва ўқиш ҳисобланади.

Эвристик ўқитишнинг принциплари маълум педагогик шароитга мослаштириб ўқитиш бўлиб, унда ўқитишда ўқитувчи ва ўқувчини олдиндан натижаси маълум бўлмаган муоммони ечишга ундайди.

Эвристик ўқитиш нафақат ўқувчиларни балки ўқитувчиларни ҳам ривожланишга чорлайди, чунки ўқитувчиларга ўқув жараёнида ҳақиқатни “Билмаслик” вазиятини ташкил қилишга тўғри келади.

Ўқувчи ўзининг машғулотлари режасини тузади, ўзининг шахсий қарашларини асосий масалага қаратади. Масалан, деталга ўлчамларини қўйишда унинг шаклини, геометрик образларни, уни тайёрлаш жараёнларни ўрганишга ҳаракат қилади. Деталга ишлов беришдаги жараён ҳақида ўзининг шахсий фикрини, деталнинг геометрияси, уни яхшилаш ҳақидаги изланишлар, техник ва технологик конструкциялаш, дизайн кабилар устида бош қотиради. Натижада ўқувчилар ўзлари ўрганаётган соҳа ҳақида шахсий индивидуал режаларини тузишади.

Эвристик таълим технологияси термини кластерланади.



1.2. Эвристик ўқитишнинг йўналишлари.

Эвристик ўқитишни баъзида ижодий фаолият билан боғлашади. Лекин унинг асосий учта йўналиши мавжуд:

1.Эвристик фаолият ўзида ижодий таълимий маҳсулот етиштириш жараёнларини қамраб олади.

2.Эвристик фаолиятни ташкил қилувчи билиш жараёнлари ижод қилишдаги энг зарурий жараён ҳисобланади.

3. Эвристик фаолиятда ташкилий, методологик, психологик ва бошқа жараёнлар ижодий ва билиш фаолиятини таъминлайди.

Эвристик ўқитишда унинг асосий мақсади ўқувчининг ўз-ўзини ижодий таъминлаш ҳисобланади. Бу жараён қуйидагича амалга оширилади.

Ўқувчи лойиҳалаш учун вазифа олади. Аммо унга вазифа ҳақида тайёр билим берилмайди. Ўқувчи вазифани бажариш учун турли кўринишдаги лойиҳалар, гипотезалар тузади. Кейин ўқитувчи билан вазифанинг аслига солиштирилади. Аслининг жавоби ишланмаси билан ўқувчининг лойиҳаси муҳокама қилиш йўли билан тўғри бажарилган лойиҳа аниқланади. Натижада ўқувчи ўзининг фаолият имкониятини қайта кўриб чиқади ва унинг шахсий қарашида ўзгариш рўй беради. Бу ўзгаришлар ўқувчининг сезгисида, билимида, иқтидорида, тажрибаси кабиларда намоён бўлади.

Агар ўқувчи муҳокама натижасидан қониқмаган бўлса, у ҳаммасини қайта ишлаб чиқади, токи қониқарли натижага эришмагунча.

Эвристик ўқитиш очик вазифа асосига қурилади. Барча ўрганилаётган мавзу элементлари очик шаклдаги вазифада ифодаланиши мумкин. Масалан, валда айланма ҳаракат даврида втулка тешиги (ҳамда валнинг ўзи ҳам) емирилиб кетишини олдини оладиган мослама лойиҳалансин. Ёки машина ва

механизмдаги бирор детал қўпол ҳамда оғир қилиб ишланган бўлиб, у детал иш жараёнида машина иш унумини пасайишига сабаб бўлаётган бўлса, уни дизайн асосида қайта лойиҳалансин каби масалаларнинг ечимини лойиҳалашда ўқувчи ўз режасини тузиб чиқади.

Эвристик ўқитишда тайёр билимларни ўзлаштириш даражасини эмас, уларга ўқувчининг қанчалик ижодий ёндошганлиги назорат қилинади. Ўқувчининг шахсий сифатини ривожланиши, унинг ўрганаётган соҳаси бўйича ижодий ютуқлари ҳамда таълим стандартларидан қанчалик олға ўтиб бораётганлиги текширилиб, унга баҳо берилади.

1.3. Эвристик ўқитишнинг принциплари.

Муайян педагогик шароитда қўлланиладиган ўқитишни эвристик ўқитиш деб тушуниш мумкин.

1. Ўқувчи томонидан ўзининг асосий эркин танлаб олинadиган таълим элементлари принциплари: *маъно, мақсад, мазмун, фаолиятнинг шакли ва кўриниши, ишлаш усуллари, ўқув воситалари, таълим натижасини баҳолаш мезонлари.*

Эвристик ўқитишнинг асосий мақсади: *ўқувчиларда билим, эркин ижод қилиш, ўқув предметининг барча бўлимлари бўйича ижод қилиш имкониятини яратиб бериш, лекин эркинлик вазифасиз бўлмайди.*

2. *Ўрганилаётган соҳага таълим фаолиятининг мослиги.* Ушбу принцип бўйича ўқувчилар, масалан, чизмачиликдан тайёр билимларни ўрганиши эмас балки, чизмачиликнинг ўзи билан унинг муаммолари ҳақида қанчалик ўйлаши муҳим ҳисобланади.

3. *Ўқитишнинг ҳамроҳлик принципи.* Ўқитувчи томонидан ҳар қандай ижодда намоён бўлаётган ижобий кўрсаткичлар ҳамроҳлиги қўллаб-қуватланади. Ўқувчининг эвристик ҳаракатига ёрдам бериш учун ўқитувчи эвристик вазиятларни яратиб беради. Ўқувчида фанга нисбатан қизиқиш уйғотиш ва унинг шахсий фаолиятида билимлар асосини мустаҳкам эгаллаши йўлида ўқитувчи унга шароит яратиб беради.

4. *Мустақил таълим олишнинг рефлексивтик (фикр юритиш) принципи.* Рефлексия – бу фикр юритиш фаолияти жараёнида ўқувчининг ўзи нима қилаётганини тушуниши, у билан нима ҳодиса рўй бераётганлигини англашидир. Рефлексиянинг асосий мақсади – ўқувчи томонидан фаолиятидаги асосий таркиб (компонент)ларни аниқлаш, эслаш ва англаш. Рефлексия ўқувчига келажакда фаолиятининг мақсадини қайта аниқлашга ва ўзининг таълим йўлини равон қилишга ёрдам беради.

Рефлексивтик ўқитиш – ўқувчига шахс сифатида индивидуалликда ягона эканлигини тушунишга ёрдам беради. Ўқувчининг удабуронлиги эвристик фаолиятда ва унинг маҳсулотида яққол намоён бўлади. Ўқувчи сўзсиз энг аввал

ўзининг фаолиятидаги ҳамма нарсага қодирлигини, индивидуаллигини кўрсата бошлайди.

1.4. Эвристик дидактика.

Эвристик таълим концепцияси (бирор нарса ҳақидаги асосий фикр). Эвристик таълим мазмуни-ўқувчининг шахсий имкониятини унинг кўп қиррали барча таълимий соҳадаги фаолиятида амалга ошириш ҳисобланади.

Эвристик дидактика. *Эвристик таълимдаги назария ва технология эвристик дидактика дейилади.* Эвристика – ўқитиш назарияси, мақсади, принциплари ва бундай таълимотнинг мазмуни ҳамда технологияси ўқувчи ва ўқитувчида маҳсулот (ўқувчининг ижодий ишнинг натижаси маҳсули) яратиш, ўрганаётган соҳасида олган билим ва фаолиятидаги индивидуалликни таъминлайди.

Эвристик кўринишдаги таълимда асосий масала, ўқувчига ўзининг индивидуал ҳаракат йўлини, инсониятнинг ютуқларига мос келадиган ва уларнинг ўсишини таъминлайдиган сифатларни тарбиялаш ҳисобланади. Бу ерда: ҳозирдаги ижод оқали келажакни қуриш ва олдингиларни ўзлаштириш шиори амал қилади.

Эвристик таълим модели. Ўқувчининг эвристик ёндашишда олган таълими модели – “Мен” деган шахсдан соҳанинг бошланғич нуқтасидан кенгайиб, аста-секин ташқи дунёни ўқувчининг индивидуал ички дунёси ўзаро мулоқот орқали эгаллай бошлайди. Ташқи дунё ўзининг мазмуни (таълимига) эга, ички дунё ҳам.

